



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 15 апрель, № 76 (8971)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАЖМУАГА ТАШРИФ БУЮРУВЧИЛАР УЧУН БАРЧА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 14 апрель кун
«Sea Breeze Uzbekistan» халқаро туризм марказининг
мастер-режаси тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимиздаги қулай инвестиция муҳити туфайли барча соҳаларга илғор ғоялар кириб келмоқда, янги мажмуалар барпо этилмоқда. Хусусан, туризмда сўнгги йилларда 2 мингдан ортиқ янги тадбиркорлар иш бошлади. Ўтган йили хорижий сайёҳлар таширифи илк бор 10 миллиондан ошди. Биргина Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ ҳудудига Амирсой ва «Ugam River» каби курортлар, «Белдирсой — Чимён — Нанай» туризм масканлари ташкил этилди.

Бундай ривожланиш суръати чет эллик инвесторларни ҳам

ўзига тортмоқда. Жумладан, Чорвоқ сув омбори бўйида «Sea Breeze Uzbekistan» халқаро туризм маркази қурилиши ҳақида аввал хабар берилган эди. Бу галги тақдиротда ушбу йирик лойиҳанинг бир неча хорижий компаниялар иштирокида ишлаб чиқилган мастер-режаси кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, туризм марказини 10 та кичик ҳудудга бўлиб қуриш кўзда тутилмоқда. Уларнинг ҳар бири пиёда бориш мумкин бўлган кўнгилочар маскан ва хизматларни қамраб олади. Икки қирғоқ ўртасида кўприк қурилиб,

келувчиларга қулайлик оширилади. Сув бўйида хиббон, пляж ва дам олиш жойлари бўлса, қияликларда меҳмонхоналар, коттежлар, уйлар, ресторан ва томошагоҳлар бўлади. Шунингдек, маданият, таълим, тиббиёт, спорт масканлари барпо этилади. Яъни бу ерда фақат саёҳат эмас, балки йил давомида яшаш имконияти ҳам яратилади.

Давлатимиз раҳбари бу лойиҳа барча таширф буюрувчиларга қулай бўлиши лозимлигини таъкидлаб, мажмуани зарур инфратузилма билан таъминлаш бўйича кўрсатмалар берди.

САЙЁҲЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев туризм ва бунёдкорлик лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Шу йил 9 апрелда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари юртимизнинг бой тарихи ва маданияти, ажойиб табиатидан фойдаланиб, сайёҳларни ҳозиргидан 2-3 қарра кўпайтириш мумкинлигини таъкидлаган эди.

Шундай ҳушманзара жойлардан бири — Бўстонлиқдаги «Чорвоқ дарвозаси» мажмуаси. Президентимиз ўтган йили декабрда унинг қурилишини бориб кўрган эди, яқинда лойиҳанинг биринчи босқичи очилди. Мажмуада 16 та кўп қаватли уй, 3 та меҳмонхона, савдо ва маиший хизмат шоҳобчалари, кафе ва ресторанлар, банк офиси, автотураргоҳ

бўлади. Бинолар тепасига қуёш панеллари ўрнатилади.

Тақдиротда мажмуанинг кейинги босқичларини қуриш, сайёҳлар учун жозибадорлигини ошириш борасидаги ишлар ҳақида ахборот берилди. Уни арзон ва экологик тоза энергия билан таъминлаш учун Чирчиқ дарёсида кичик гидроэлектр станция барпо этиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Яна бир лойиҳа Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида океанариум қуришга қаратилган. Чирчиқ дарёси бўйида 20 гектарда мўлжалланган ушбу океанариум сайёҳларни жалб этадиган яна бир маскан бўлади. Ёнида савдо-меҳмонхона мажмуаси

ҳам қурилиб, уларда жами 1 минг 600 та иш ўрни очилади.

Шунингдек, Яккасарой туманида тураржой ва ишбилармонлик маскани барпо этиш мўлжалланган. Унда кўп қаватли уйлар, боғча ва мактаблар, спорт ва соғломлаштириш масканлари, меҳмонхона ва савдо офислари бўлиши кўзда тутилган.

Президентимиз лойиҳаларнинг ҳуқуқий, молиявий жиҳатлари ҳамда инфратузилма масалаларини ҳар томонлама ўйлаб, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади. Мутасаддиларга сифат ва муддатни аниқ белгилаб, бажарилишини назорат қилиш топширилди.

Ў.А.

Учрашув

ЕВРОПА ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ – СЕНАТДА

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Европарламентнинг Марказий Осиё давлатлари билан алоқалар бўйича делегацияси раиси Томаш Здеховский бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказди.

Унда икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди. Сиёсий мулоқотнинг юксак даражаси ва парламентларо алоқаларнинг кенгайиб бориши динамикаси қайд этилди.

Мулоқот чоғида ўтган ҳафта Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси яқунларига алоҳида

этибор қаратилди. Таъкидланганидек, кўҳна қитъанинг 18 мамлакатидан делегациялар иштирок этгани Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи томонидан қўллаб-қувватланаётганига ёрқин бир далил бўлди. Мамлакатимиз раҳбарининг халқаро миқёсда кенг акс садо берган нутқи юксак баҳоланди.

Шунингдек, 3-4 апрель кунлари Самарқанд шаҳрида Президент

Шавкат Мирзиёев раислигида тарихда биринчи мартаба бўлиб ўтган «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» саммити яқунлари ҳам кўриб чиқилди. Эришилган келишувлар, шу жумладан, Тошкент шаҳрида Европа инвестиция банкнинг минтақавий ваколатхонасини очиш муҳимлиги қайд этилди.

Учрашув якунида томонлар Олий Мажлис Сенати ва Европа парламенти ўртасидаги парламентлараро мулоқотни янада чуқурлаштиришдан манфаатдор эканликларини тасдиқлади.

«Халқ сўзи».

Кўмита йиғилиши

ЭКОЛОГИК ИНҚИРОЗ ОҚИБАТЛАРИНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК МУҲОКАМАСИ

Кеча Олий Мажлис Сенатида «Ўзбекистон — Европа Иттифоқи» Парламент ҳамкорлиги кўмитасининг 18-мажлиси ўтказилди

Унда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган устувор йўналишлар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Марказий Осиё давлатлари ва Евро-

па Иттифоқи ўртасидаги алоқалар сезиларли даражада фаоллашди. Бу жараёнинг ёрқин ифодаси сифатида 2025 йил 3-4 апрель кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» биринчи саммити

келтириш мумкин. Саммит натижалари икки минтақа ўртасидаги муносабатларни янги, стратегик даражага олиб чиққанлиги билан алоҳида аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Кўмита мажлисида, шунингдек, Ўзбекистон ва Ев-

ропа Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ўзаро инвестиция муҳитини яхшилаш, шунингдек, таълим соҳасидаги алоқаларни чуқурлаштириш масалалари муҳокама этилди.



ЎЗАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоиловнинг Европа парламентининг Марказий Осиё давлатлари билан алоқалар бўйича делегацияси раиси Т. Здеховский бошчилигидаги делегация билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот аввалида меҳмон томонга «Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида амалга оширилган ислохотлар, Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги йўналишидаги фаолияти, кўмиталар, комиссиялар, депутатларнинг асосий вазифалари ҳамда жорий йил 3-4 апрель кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» саммити яқунлари бўйича батафсил маълумотлар берилди.

Делегация раҳбари қабул учун миннатдорлик билдириб, Европа Иттифоқи ва минтақа давлатлари ишончли ҳамкорларга айланаётганини таъкидлади.

Т. Здеховский «Ўзбекистон — Европа Иттифоқи» Парламент ҳамкорлиги кўмитасининг 18-йиғилиши ўтказилаётгани апрель бошида бўлиб

ўтган «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» саммитининг мантикий давоми эканини алоҳида қайд этди.

Унга кўра мазкур тарихий воқеа минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштиришдан икки томон ҳам катта сиёсий манфаатдор эканини тасдиқлайди ҳамда кўп йиллик муносабатлардаги янги босқичдир.

Шунингдек, у Парламент ҳамкорлиги кўмитасининг 18-йиғилиши ва унинг доирасида ўтказилаётган учрашувлар икки минтақа мамлакатлари ўртасидаги дўстона муносабатларни янада ривожлантириш ҳамда чуқурлаштиришга хизмат қилишини урғулади.

Томонлар парламентлараро ҳамкорликни изчил давом эттиришга келишиб олди.

«Халқ сўзи».

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ВА МУТАНОСИБЛИК ТАМОЙИЛИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

Сиёсий партиялар фракцияларида

Жумладан, **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида Президентимиз раислигида шу йил 9 апрель кунини ҳудудларнинг туризм салоҳиятини ошириш, хорижий инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишининг аҳамияти атрофлича муҳокама қилинди.

Фракция аъзоси Хушвақт Ҳайитов йиғилишда белгилаб берилган вазифалар ҳусусида тўхталар экан, туризмни юқори дарамадди соҳага айлантириш учун давлат ва ҳусусий сектордаги иштирокчиларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ҳамда мустаҳкамлаш борасидаги вазифалар ўзлаштириш мақсад ва ғояларига тўлиқ мос келишини таъкидлади.

Видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган устувор вазифалар партия ва унинг фракцияси зиммасига катта масъулият юклаши, унинг ижросида барча депутатлар фаол бўлиши, соҳага доир ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш лозимлиги урғуланди.

Шундан сўнг депутатлар «Сунъий интеллектни қўллаш орқали юзага кел-

ладиган муносабатлар тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди.

Муҳокамалар жараёнида фракция аъзоси Зафар Худойбердиев қонун лойиҳасининг аҳамияти ҳақида тўхталиб, унда назарда тутилган айрим нормалар бўйича ўз фикр-мулоҳазалари, тақлифларини билдирди. Қонун ташаббускорлари билдирилган фикрлар асосли эканини қайд этиб, у лойиҳани маромига етказиш жараёнида эътиборга олинишини маълум қилди.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши сунъий интеллектдан фойдаланишни янада ривожлантириш, турли соҳаларга жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш, уни қўллаш орқали юзага келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда шахсга доир маълумотларга қонунга хилоф равишда ишлов бериш ва тарқатишнинг олдини олишга хизмат қилади.

Қизғин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТИНЧЛИҚПАРВАР СИЁСАТИ НАМОЁН БЎЛДИ

Пойтахтимизда 5 — 9 апрель кунлари бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси жаҳон парламентаризмида ўзига хос янги даврни бошлаб берди. Айтиш жоизки, бу тадбир нафақат ташкилий жиҳатдан, балки Ўзбекистоннинг глобал миқёсдаги маъқеини мустаҳкамлаш, миллий парламентаризмни ривожлантириши билан ҳам аҳамиятлидир.

Эътироф

Асосийси, дунё парламентлари вакилларини бир юз элликчи марта бир нуктага бирлаштирган мазкур тадбир янги Ўзбекистоннинг очкилиги, унинг глобал муаммоларга ишончли ва конструктив таъсир ўтказиш салоҳиятига эга эканлигини намоён этди.

Ҳар бир давлатнинг миллий парламентаризмни ривожлантириши фақат ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ёки қонунлар ишлаб чиқиш билан ўлчанмайди.



ЕВРОПАГА РАВОН ЙЎЛ ОЧГАН ТАДБИР

Самарқандда ўтган «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» биринчи саммитини кузатар эканман, бошқарув тизимида ишлаган 25 йил давомида ўзим иштирок этган ёки шахсан гувоҳ бўлган тадбирлар бир-бир кўз ўнгимдан ўтди, хотираларимни бугунги воқелик билан таққосладим.

Мулоҳаза

Шу ўринда дастлаб ёдимга келгани — Европа давлатлари вакиллари қатнашадиган тадбирлар ёки улар билан учрашувларга тайёргарлик жараёнларида тақдор ва тақдор ўқтириладиган «Европа билан алоқаларда ўта эҳтиёт бўлиш керак», «Уларнинг беғарз ёрдамида ҳам манфаат бор», «Улар бизга дўст эмас» каби «эс-латма»лар бўлди. Улар қулоғимизга сингиб кетган эди. Тадбир бошлангач эса энг қизиги бошланарди — гарчи мартабаси унчалик баланд бўлмаса-да, меҳмон фалон рақамни ёки фалон сўзни айтиши керак деган ташвиш билан ҳамма овора эди. Қисқаси, меҳмоннинг Ўзбекистонга нисбатан бирор илқ сўз айтиши учун атрофида ҳаммамиз «гирдиқапалак» бўлардик. Якунда эса асл ҳолатдан хабардор бўлган вакил ёзиб берилган матнни хоҳлаб-хоҳламай ўқиб кетаверарди. Энг

асосийси, келганларнинг чехрасидан, кайфияти ва юз кўринишларидан кўп нарсани билиб олса бўларди.

Самарқанддаги саммитда мени қувонтиргани — бу сафар келган меҳмонларнинг юз-кўзларида самимийликни, илқлиқни кўрдим. Эътиборлиси, улар қуруқ келишмади, келгандаям бутун Марказий Осиёга очик кўнгил, ҳамкорлик бўйича аниқ тақлифлар ва салмоқли сармоға билан келишди.

Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен хоним ўз чиқишини Ибн Баттутанинг Самарқанд тўғрисидаги фикрини баён этишдан бошлаб, тўртта устувор йўналиш — транспорт коридорини, хомашё, тоза энергия ва рақамли уланишда кўп нарсаларга эришишимиз мумкинлиги, тараққиётни тезлаштириш учун 12 миллиард евролик янги «Global Gateway» инвестиция пакетини эълон қилишдан мамнунлигини таъкидлади.



БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Самарқанд шаҳрида олий даражада ташкил этилган «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» саммити доирасида ўтказилган очик, конструктив ва самарали учрашувлар мамлакатларимиз ва минтақалар манфаати йўлида шериклик ва амалий ҳамкорликни чуқурлаштиришга бўлган сиёсий ирода ва қатъиятни яна бир бор намоён этди, десак, айни ҳақиқат. Бинобарин Марказий Осиёдаги чуқур трансформация жараёнлари кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришга ва дунёдаги йирик акторларнинг минтақамизга бўлган қизиқишини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Нуктаи назар

Марказий Осиёнинг очкилиги ва шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликка тайёр экани туфайли дунё эътибори яна минтақамизга юзланди. Давлатлар, ҳамжамиятлар минтақамизга яхлит организм сифатида қарай бошлади. Мамлакатимиз раҳбари «Euronews»га берган интервьюсида таъкидлаб ўтганидек, «...шу тарзда, Марказий Осиё энди тарихнинг четида эмас, балки ўз стратегик кун тартибини шакллантираётган, жадал ривожланаётган минтақага айланмоқда. Сиёсий ирода, юқори дара-

жадаги ўзаро ишонч ва қўшма иқтисодий ташаббуслар минтақада барқарор ривожланиш учун янги имкониятлар яратди».

Ўзбекистон Президенти саммитда сўзлаган нутқида иқтисодиёт ва технологик модернизацияга инвестициялар киритиш ўзаро ҳамкорликнинг устувор мезони бўлиши лозимлигини таъкидлади. Бунинг учун керакли шароитлар бор. Ўзбекистонда изчиллик билан қулай бизнес имкониятлари яратилмоқда, бозор институтлари ривожланмоқда, инвестиция муҳити яхшиланмоқда. Хорижий инвесторлар учун «ягона дарча» тизими жорий этилган, валюта бозори либераллаштирилди.



ЭКОЛОГИК ИНҚИРОЗ ОҚИБАТЛАРИНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК МУҲОКАМАСИ

Жумладан, “Erasmus+” дастури орқали ўзбекистонлик ёшларнинг Европа давлатларида таҳсил олиш имкониятларини кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, Европа Иттифоқи мамлакатларининг кибержиноятчиликка қарши кураш борасидаги тажрибасини ўрганиш, ахборот хавфсизлигини таъминлашдаги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Мажлис давомида экологик барқарорликни таъминлаш, хусусан, Оролбўйи минтақасидаги экологик инқироз оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорлик истиқболлари ҳам муҳокама этилди. Сув ресурсларини самарали бошқариш, минтақавий

экологик лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан қўшма ташаббуслар билдирилди.

Европа Иттифоқи вакиллари Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлиги, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, гендер тенгликни таъминлаш ва аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган ислохотларни юқори баҳолади.

Йиғилиш якунида “Ўзбекистон — Европа Иттифоқи” Парламент ҳамкорлиги қўмитасининг навбатдаги мажлисини 2026 йилнинг биринчи ярмида ўтказишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТИНЧЛИҚПАРВАР СИЁСАТИ НАМОЁН БЎЛДИ

Балки бугунги давр сиёсатини теран англаши, халқаро сиёсатда ўз позициясига эга бўлиши, фаолиятда, аввало, инсон ва унинг манфаатларини тўла акс эттира олиши каби тамойиллар билан ўлчанади. Шу маънода, ассамблея бизга ана шу жиҳатларни ривожлантириш ва янада мустақамлаш учун имконият яратди.

Нуфузли тadbир доирасида ташриф буюрган дунё парламентаари аъзолари, делегатлар, дипломатик корпус вакиллари кўз ўнгида Ўзбекистон нафақат меҳмондўстлиги, балки глобал муаммоларга ўзининг конструктив ёндашувини кўрсата оладиган, қолаверса, аниқ ташаббусларни илгари сурадиган давлат сифатида намоён бўлди. Давлатимиз раҳбарининг ассамблеяда сўзлаган нутқи ва унда билдирилган ташаббуслар иштирокчилар томонидан жуда юқори баҳоланди. Чунки унда барчани бирдек ташвишга солаётган муаммоларнинг ечимини ҳам тақдим этилди. Мисол учун, Украина инқирози Президентнинг фикрича, БМТ раҳбарлигида амалдаги халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳал қилиниши керак.

Яна бир ориқли нукта — Фаластин инқирози учун ягона ечим “икки халқ учун — икки давлат” тамойили бўлиши шартлиги билдирилди. Шунингдек, жафокаш афгон халқини ўз муаммолари

билан ёлғиз қолдирмаслик кераклигини аътибор қартилганини ҳам таъкилчилар эътироф этмоқда.

Шунингдек, Президентимиз нутқида ҳар бир инсоннинг ижтимоий ҳимояга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, халқаро стандарт ва меъёрлар асосида сифатли хизматлар кўрсатиш ҳар қанонгидан ҳам долзарб эканлиги қайд этилди. Бу жудаям ўринли ва амалда исботини тогган ташаббус дейиш мумкин. Зеро, юртимизда аҳолининг ҳар томонлама ҳимоясини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши қилиб белгиланган. Хусусан, камбағалликка қарши кенг қамровли ислохотлар олиб боришмоқда. Натижада охириги саккиз йилда камбағаллик даражаси 35 фоиздан 8,9 фоизга туширилди. “Камбағалликдан фаровонлик сарий” дастури амалга оширилмоқда ва жорий йил якуни билан бу кўрсаткичнинг 6 фоизга пасайтириш марраси олинган.

Ассамблея орқали Ўзбекистон ўзини нафақат меҳмондўст мамлакат, балки демократик жараёнларни қўллаб-қувватловчи, фаол ва масъулияти халқаро ҳамкор сифатида ҳам кўрсата олди.

Кобулжон ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Бюджет ва иқтисодий масалалар
қўмитаси раиси ўринбосари.

АКС САДО

ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН ТАРМОҚ

Туризм ҳозирги кунда Ер юзидаги жами товар ва хизматлар экспортда даромад келтириш бўйича йирик тармоққа айланиб улгурди.

Самарқандда бўлиб ўтган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитида давлатимиз раҳбари томонидан туризм соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, жорий йилда Бухорода биринчи “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” сайёҳлик форумини ўтказиш тақлифи билдирилди ва Европа мамлакатлари тажрибасини жорий этиш асосида “Бир тур — бутун минтақа” концепциясини амалга ошириш бўйича асосланган тақлифлар илгари сурилди.

Шунингдек, 9 апрель куни ҳудудларнинг туризм салоҳиятини янада ошириш ҳамда хорижий ҳамкорлар билан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш юзасидан ўтказилган йиғилишда ҳам Президентимиз туризм соҳасидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратди.

Қайд этилганидек, шу пайтга қадар

соҳада олиб борилган ислохотлар натижаси ўлароқ ўтган йили хорижий сайёҳлар оқими илк бор 10 миллионлик маррадан ўтди. Хусусан, Италиядан 35 мингдан зиёд туристлар, Германиядан 31 мингдан ортиқ, Чехиядан 24 900, Испаниядан 22 мингга яқин, Франциядан 20 мингдан ошди ва Швейцариядан эса 4,5 мингга яқин сайёҳлар ташриф буюрган.

Хитойнинг энг олис музофотлари, Гонконгдан ҳам сайёҳлар келишини бошлади ёки Польшага авиақатновлар йўлга қўйилгани учун ушбу мамлакатдан келадиган сайёҳлар сони 7 карра ошиб, бутун Шарқий Европада туристларни жалб қилиш имкони пайдо бўлди.

Шу ўринда айтиш лозимки, Россия ва Хитойнинг айрим ҳудудлари билан манзилли ишлаш йўлга қўйилгани учун инвестиция ва сайёҳлар оқими кескин ошди, энди бу тажри-

бани кенгайтириб Япония, Жанубий Корея ва Европа давлатлари билан ҳам ташкил қилиш бўйича алоҳида топшириқлар берилди.

Таъкидлангани, халқаро талаблар даражасида шаклланаётган туристик объектлар қурилиши масаласи ҳам эътибордан четда эмас. Жумладан, Паркентнинг “Олтин бел” чўққисида халқаро даражадаги янги тоғ-чанчи зонаси барпо этилмоқда. Франциянинг “Куршавель” тоғ-чанги курорти тоғли ҳудудларимизда Европа стандартига мос туризм масканларини ташкил қилишга катта қизиқиш билдирмоқда.

Энг асосийси, туризмнинг иқтисодиётдаги улушини 7 фоизга, экспортни 10 миллиард долларга етказиш бўйича 2040 йилгача бўлган стратегия ишлаб чиқилмоқда.

Шунингдек, йиғилишда ҳудудларда туризмнинг устувор йўналишлари, жумладан, туризм қишлоқлари, тоғ ва спорт-соғломлаштириш тизимини янада ривожлантириш, халқаро туризм бренди ва инфратузилма объектларини жадал барпо этишда тadbиркор-

ликни йўлга қўйиш, Туризм қўмитаси ҳокимликлар билан биргаликда 36 та туман ва шаҳарни этно, гастрономик, тиббий, экстремал, маданият-тарихий, зиёрат, қишки ва агротуризм асосида равнақ топтириш бўйича катта дастур тайёрлаши кўрсатиб ўтилди.

Сўнгги йилларда ички туризмга эътибор тўфайли маҳаллий сайёҳлар сони 23 миллионга етди (2017 йилда 5 миллионга эди). Энди ҳар ойнинг битта шанба ва яқшанбаси — Оила ва меҳнат жамоаси билан саёҳатга чиқиш кунини деб эълон қилинган кўпчилики бирдай манмун этди.

Буларнинг барчаси шундан далолат берадики, яқин келажақда туризм бетақорр ва гўзал табиати юртимиз қўллаб ҳудудларининг асосий драйверларидан бирига айланади.

Жамила БОБОНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Халқро муносабатлар, таъки
иқтисодий алоқалар, хорижий
инвестициялар ва туризм
масалалари қўмитаси аъзоси.

ЯГОНА ПЛАТФОРМА НИМА БЕРАДИ?

Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётга юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоқлардан бири, бу — туризм. Шу боис унга иқтисодиёт драйвери сифатида қаралмоқда. Чунки ушбу соҳа равнақи барча инфратузилмани ривожлантиришни тақозо этади, бу эса мамлакатнинг жаҳондаги имижини ошириши, обрў-эътиборини мустақамлаштиришга хизмат қилади.

Энг қадимги маданиятлар чоррахасида жойлашган Ўзбекистон ҳам туризм жозибадорлиги жиҳатидан дунёдаги санокли давлатлардан ҳисобланади. Биргина мисол, ҳозирда мамлакатимизда 7 мингдан зиёд нодир тарихий ёдгорлик ва улғувор ҳамда бетакорр архитектура намуналари мавжуд. Қолаверса, табиати бой ва рангбаранг. Миллий маданият, санъат ва унармандчиликнинг кўп асрлик анъаналари кўз қорачигидек авайлаб асраб келинмоқда. Машҳур миллий таомларимиз ва пазандачилик соҳасидаги анъаналар сақланиб қолгани дунё аҳлини ўзига жалб этиб келмоқда.

Сайёҳлар оқимини кўпай-

тириш, юртимизга бўлган қизиқишини кучайтириш учун эса ҳали қилинадиган ишлар талайгина. Президентимиз раислигида ҳудудларнинг туризм салоҳиятини кўтариш, хорижий инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳани янада ривожлантириш, сайёҳлар оқимини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган бўлди. Мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, соҳадаги салоҳиятчи бозорлардан сайёҳларни жалб қилиш, тўғридан-тўғри авиақатновларни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, йиғилишда

Миллий туризм ягона платформаси ишлаб чиқилаётгани ва унга электрон виза бериш, чипта олиш жараёналари ҳам улангани, барча тарихий обидаларга кириш имконини берадиган “ягона туристик карта” жорий қилиниши айтиб ўтилди.

Ҳўш, ягона платформа нима беради? Айтиш жоизки, ягона платформа орқали хорижий туристлар учун янги шароитлар юзага келтирилади. Платформадан фойдаланувчилар меҳмонхоналарини брон қилиш ва баҳолаш, туроператорлар, гидлар ва уларнинг хизматлариға буюртма бериш, транспорт ва аттракционлар учун чипталар хариди, халқаро ва миллий тўлов тизимлари орқали саёҳат хизматлари учун ҳақ тўлаш имкониятига эга бўлади. Платформа 14 тилда, реал вақт режимида туризм соҳаси бўйича маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилишни таъминлайди. Умуман, бу орқали ҳар бир сайёҳ учун мак-

симал қулайлик яратишга эътибор қаратилмоқда.

Ягона туристик карта ҳам сайёҳларга Ўзбекистоннинг барча тарихий ва маданий ёдгорликларига эркин кириш имконини тақдим этади. Карта орқали сайёҳлар мамлакатнинг энг машҳур тарих ва маданиятига оид обидаларга қулай ва осон ташриф буюриши мумкин.

Шу ўринда яна бир кичик мулоҳаза. Туризмни юқори даромадли соҳага айлантириш учун давлат ва хусусий сектордаги иштирокчиларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ва мустақамлаш зарур. Бунда ҳукуматнинг роли — халқаро, ҳукумат ва хусусий сектор даражарида туризм соҳасидаги ривожланиш сиёсатини мувофиқлаштириш ҳамда режалаштиришни таъминлашдан иборат. Йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан масаланинг ушбу жиҳатига алоҳида урғу берилди. Хусусан, соҳадаги муҳим

йўналишлардан бири — маданий мерос объектлари ҳақида тўхталиб, охириги 4 йилда 327 та шундай маъмуа реставрация ва консервация қилингани, ҳозир яна 485 та объект таъмирталаблиги айтилди. Бу ишларга хусусий секторни жалб этиб, бизнес-лоийҳа қилиш мумкинлиги кўрсатилди. Маданий мерос объектларини ижарага беришни тақомиллаштириш, уларга тушумларни рақамлаштириш вазифалари қўйилди.

Ўзбекистон Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган бўлиб, доимо дунё сайёҳлари эътиборини ўзига тортиб келган. Юқоридаги вазифалар тўлиқ амалга оширилса, мамлакатимиз дунёнинг туризм ҳабларидан бирига айланиши ва халқаро рейтингларда юқори ўринларни эгаллаши мумкарр.

Нарғиз САЛОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ВА МУТАНОСИБЛИК ТАМОЙИЛИ

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида кўриб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариштириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси билан солиқ органларининг солиқ тўловчилар билан боғлиқ барча низоини кўриб чиқишни маъмурий судлар юрисдикциясига ўтказиш белгиланмоқда.

Қайд этилганидек, тadbиркорлар манфаатларини таъминлаш, уларга яратиб берилаётган имкониятларини янада кенгайтириш, айнқиса, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш долзарб бўлиб, бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шундай бўлса-да, бугун тadbиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлашда айрим муаммолар бор. Судларда қўриладиган ишлар бўйича ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олиш, тadbиркорлик фаолиятини татибга солишдаги айрим мажбурий талабларни қисқартириш зарурати юзага келмоқда.

Қонун лойиҳаси эса тadbиркорлик субъектларининг суд мажлисларида ортиқча вақт сарфлаши билан боғлиқ бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда бизнес муҳитини яхшилашга хизмат қилади.

Йиғилишда қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариштириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари қафолатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган суд-ҳуқуқ ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Янги таҳрирдаги Конституцияда ҳам инсоннинг, шу жумладан, жабранувчининг ҳуқуқлари қафолатлари сезиларли даражада кучайтирилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш амалиётига ҳуқуқий айблов институтини жорий этиш назарда тутилмоқда. Бунда айрим тоифадаги ишлар бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фақат жабранувчининг аризаси асосида юритилиши белгиланяпти.

Шунингдек, жабранувчи ночор аҳволда бўлганлиги, вояга етмаганлиги, ҳуқуқбузарга қарам бўлганлиги тўфайли ёки бошқа сабабларга кўра ўзи ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган ҳолларда вако-

латли органнинг мансабдор шахси жабранувчининг аризасисиз ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритишни бошлаши шартлиги назарда тутилмоқда.

Депутатлар қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жабранувчининг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялаш қафолатларини янада кучайтириш, шунингдек, унинг шахсий ҳаётига асоссиз аралашувнинг олдини олишга хизмат қилишни эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватлашди.

Йиғилишда кун тартибидан ўрин олган бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда мутаносиблик тамойилига амал қилинишини таъминлашга қаратилган ўзгариштириллар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси қизгин муҳокамаларга сабаб бўлди. Фракция аъзоси Фирдавс Шарипов қонун лойиҳасида мутаносиблик бўйича конституциявий тамойилга амал қилиш, кодексга киритилаётган ўзгариштирилларни мутаносиблик тамойилига мувофиқ чукўр таҳлилдан ўтказиш кераклигини билдирди. Асосий мақ-



садда жазо миқдорларини ҳам қайта кўриб чиқиш назарда тутилгани, аммо лойиҳада мазкур масала етарлича қамраб олинмаганини қайд этди.

Фракция аъзоси Зокиржон Зоҳидов бу фикрларни қўллаб-қувватлаб, жаримлар миқдорлари аҳоли реал даромадларига мувофиқ бўлиши муҳимлиги, партия электорати манфаатлари учун бу алоҳида аҳамиятга эгаллиги, қўлланадиган жарималарнинг миқдори бўйича ижтимоий тармоқларда, сайловчилар билан учрашувларда турли фикрлар айтилаётганини билдирди. Жарималарнинг миқдорларни ҳуқуқий чора доирасидан чиқиб кетмаслиги зарурлиги, дифферен-



циал (моддий ҳолати ва тақриорилигига қараб ўзгарувчан) жарималарни қўллаш лозимлиги айтилди. Жазо чоралари билан ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси чуқур таҳлиллардан ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлиши таъкидланди.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини юқоридаги фикр-мулоҳазалар, тақлифлардан келиб чиққан ҳолда тақомиллаштириш лозимлигини билдирдилар.

Й и г и л и ш д а “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунга қўшимча ва ўзгариштириллар киритишни назарда тутвчи қонун лойиҳаси ҳам турли мунозараларга сабаб бўлди.

Муҳокамаларда қонун лойиҳасини тақомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар айтиб ўтилди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгариштириллар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан ўзига нисбатан суднинг жазо тайинланмаган айблов ҳукми қонуний қуғга қирган шахслар Жиноят-процессуал кодекснинг 84-моддасига мувофиқ айбдорлик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб ўзига нисбатан жиноят иши тугатилган ёхуд реабилитация қилмайдиган асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарор чиқаришган шахслар, ўзига нисбатан қамоққа

олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танланган жиноят содир қилишда айбланувчилар профилактик ҳисобга қўйилмаган шахслар қаторидан чиқарилиши тақлиф этилаётди.

Лойиҳада содир қилинган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун суд томонидан муайян муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсларни профилактик ҳисобга олиш кўзда тутилган. Мунозаралар давомида транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахсларнинг профилактик ҳисобга олиниши борасидаги норма фракция аъзолари томонидан қизгин муҳокамаларга сабаб бўлди. Хусусан, фракция аъзолари профилактик тadbирларни ташкил этиш борасида қонунчиликда аниқ нормалар мавжуд эмаслигини, ушбу норма келгусида турли тушунмовчиликлар келтириб чиқариши мумкинлигини билдирди. Депутатлар бу турдаги шахсларни профилактик ҳисобга олиш келгусида уларнинг баъзи ҳуқуқларининг чекланишига олиб келиши мумкинлиги бўйича хавотирли савол билан қонун ташаббускорларга юзланди.

Мутасаддилар кўтарилган саволлар юзасидан атрафлича тушунтиришлар бериб, мазкур нормани қонунда белгилаш ушбу шахсларни ноқонуний равишда транспорт воситасини бошқариши ва йўл-транспорт ҳодисалари содир этишининг олдини олиш мақсадида киритилаётганини маълум қилишди.

Ташаббускорларнинг таъкидлашича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши профилактик ҳисобга олинган шахслар билан ўтказиладиган профилактик чора-тadbирлар самарадорлиги янада кучайтирилишига, уларни ижтимоий соғлом ҳаёт тарзига қайтаришга хизмат қилади.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳасини депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

«Халқ сўзи».

ТУРИЗМ — ИҚТИСОДИЁТ ДРАЙВЕРИ

Туризм соҳаси — Ўзбекистон иқтисодиётидаги стратегик тармоқлардан бири. Шу боис сўнгги йилларда туризм инфратузилмаси ривожланиб, хорижий сайёҳлар оқими ортиб бормоқда. Масалан, мамлакатимизнинг туризм экспорти 1,6 карра ошиб, 3,5 млрд. долларга етди, бу соҳада 2 мингдан ортиқ тadbиркорлар янги иш бошлади. Ўтган йили хорижий сайёҳлар ташрифи илк бор 10 миллиондан ошди.

Таҳлиллар эса мамлакатимиз ҳудудларининг туризм салоҳияти ҳали тўлиқ рўёбга чиқмаганлигини кўрсатмоқда. Туристлик имкониятлар, асосан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби йирик шаҳарларда тўпланган. Шу жиҳатдан ҳудудий туризмни ривожлантириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

9 апрель куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган йиғилишда соҳадаги эришилган ютуқлар таҳлил қилиниб, галдаги вазифалар белгиланган бўлди. Хусусан, мутасаддиларга 36 та туман ва шаҳарни этно, гастрономик, тиббий, экстремал, маданият-тарихий, зиёрат, қишки ва агротуризм асосида ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқиш топширилди. Соҳадаги салоҳияти бозорлардан сайёҳларни жалб қилиш, тўғридан-тўғри авиақатновларни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мухими, бунинг учун дастлабки қадамлар ташланган. Президентнинг Францияга ташрифида 14 та янги замонавий “Airbus” самолётини харид қилиш, яна 5 тасини ижарага олишга келишилган, ҳозирда “Boeing” компанияси билан 12 та самолёт олиб келиш бўйича музокара бошланган. Қўрғаз давлатлариға берилган 10 кунлик визасиз режим 30 кунга узайтирилмоқда. Натижада бу ҳудудлардан сайёҳлар 5-6 карра кўпаяди. Бундан ташқари, Ҳиндистон, Покистон, Миср ва эронлик сайёҳларга виза бериш тартиби енгиллаштирилиб, турфирмаларга рухсатномани Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 10 кунда бериш тизими жорий этилади.

Албатта, ушбу вазифалар ижроси юртимизнинг сайёҳлик ва туризм салоҳиятини оширишга, қолаверса, иқтисодиётимиз юксалиши ва минглаб янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.

Йиғилишда хорижий сайёҳларни жалб қилиш билан биргаликда ички туризм имкониятларидан ҳам самарали фойдаланишга эътибор қаратилди. Сабаби сўнгги йилларда ички туризмга эътибор тўфайли маҳаллий сайёҳлар сони 2017 йилдаги 5 миллиондан 2024 йил якунига келиб 23 миллионга етди. Бироқ бу борада ҳам имкониятлар тўлиқ ҳиса солинмаган. Президент томонидан ички туризм хизматларини диверсификация қилиш ва ҳажмини кескин кўпайтириш, фуқароларни мамлакатимизнинг туризм

салоҳияти билан таништириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида бир қатор халқаро ташаббуслар илгари сурилди.

Улардан бири — ҳар ойнинг битта шанба ва яқшанбаси — Оила ва меҳнат жамоаси билан саёҳатга чиқиш шун сифатида белгиланган. Ушбу ташаббус заммирида катта мақсад ва маъно муҳассам. Чунки ҳар бир инсоннинг таянчи бўлган оила билан саёҳат қилиш — муносабатларни мустаҳкамлайди, болаларга тарбия, катталарга ички хотиржамлик бахш этади. Ёки иккинчи оила ҳисобланмиш меҳнат жамоаси билан биргаликда дам олиш иш муҳитини яхшилади, ўзаро тушунишни кучайтиради, янги ғоялар беради. Табиат эса инсон саломатлиги ва хотиржамлиги учун энг яхши табиий терапиядир.

Қолаверса, эндиликда ички туризм ривожига ўсиб келаётган ёш авлодининг ҳам ўрни юқори бўлади. Бойси Президент ёшлар ўртасидаги муносаба қолибларига “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат” йўлланмасини совға қилиш ташаббусини билдирди. Ҳар йили ички туризм тарғиботини кенгайтиришга 20 млрд. сўм ажратилган. Республиканинг барча тарихий обидаларига кириш имконини берадиган “ягона туристик карта” жорий қилинади. Шаффофликни таъминлаш мақсадида туризм объектларига кириб-чиқишнинг автоматик ҳисобга оладиган мосламалар ўрнатилди.

Жорий йилда хориждан 15 млн. турист жалб қилиниб, экспорт 4 млрд. долларга етказилди. 635 та меҳмонхона ва меҳмон уйи ишга туширилиб, 50 мингта иш ўрни яратилди. Туризм соҳасига инвестицияларни жалб этиш мақсадида апрель ойида Жиззахда, июнь ойида эса Тошкент шаҳрида халқаро инвестиция форумлари ўтказилди.

Албатта, буларнинг барчаси мамлакатнинг умумий иқтисодий ривожига ҳисса қўшиб, янги иш ўринлари яратиш ва Ўзбекистон брендини жаҳон миқёсида мустақамлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнларнинг соҳага ва ҳаётимизга тўлақонли татбиқ қилиниши эса биз, халқ вакиллариға катта масъулият юклайди.

Гулнораҳон АБДУВХИДОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутаты.

ЕВРОПАГА РАВОН ЙЎЛ ОЧГАН ТАДБИР

Менинг диққатимни тортгани Урсула фон дер Ляйеннинг “Бу ҳамкорлик Европа Иттифоқига ишониниғиз мумкинлигини кўрсатади. Биргаликда ишлаш орқали биз ҳар икки минтақамиз учун ҳам манфаатли бўлган яқинроқ муносабатларни ривожлантиришимиз мумкин”, деган сўзлари бўлди. Бу гаплар Ўзбекистон Президентининг бугун олиб бораётган очиклик сиёсати билан ҳамоҳангдир.

“Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити якунида икки минтақа ўртасида стратегик шериклик ўрнатишни назарда тутувчи Қўшма декларация қабул қилинди. Бу ҳужжатда акс этган ҳамкорлик йўналишлари тез ўзгариб бораётган ҳозирги замонда ўта муҳим.

Тан олиш керак, биз бир пайтлар яхшигина моддий техник база ва иқтисодий кадрларга эга бўлган тоғ-кон саноати ва геология тармоғини сақлаб қола олмадик. Шу боис ушбу тармоқ салоҳиятидан тўлақонли фойдалана олмаямиз. Чарақлаб турган қуёшимиз битмас-туганмас энергия манбаи эканини билмадик. Аниқроғи, илмимиз, тажрибамиз етмади, илмий салоҳиятимиз аста-секин йўқотилди. Ал-Хоразми авлодлари бўла туриб, рақамлаштириш йўналишида кадр тайёрлаш борасида ривожланган давлатлардаги янгилекларни ўрганишга интилмадик. Мухандис кадрларни етарли даражада тай-



ёрламадик, тайёрланган кадрлар ҳам бугунги технологик жараёнлардан айро ҳолда дипломли бўлишди. Энг ачинарлиси — тадбиркорлик тугилмай тўсиққа учради, иқтисодиётдаги улуши 50 фоиздан зиёд бўлган кичик ва ўрта бизнес ҳимоясиз қолди. Биз яқин ўтмишда дуч келган айрим муаммоларни эсладик, холос. Афсуски, уларнинг сони кўп эди. Тадбиркорларнинг муаммоларидан бевосита хабардор бўлган Шавкат Мирзиёев уларни давлат томонидан кафолатли қўллаб-қувватлаш мақсадида бизнес вакиллари билан мунтазам равишда тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйди. Бир қатор қонунлар, Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Натижада тадбиркор билан давлат ўртасидаги тўсиқ бартараф этилди.

Навбатдаги вазифа глобал миқёсдаги тўсиқларни олиб ташлаш учун дунё ҳамжамиятининг бошини қўшишдан иборат.

Шу ўринда, Президентимизнинг “Бугун бозор топши машаққат, рақобатбардош маҳсулот

ишлаб чиқариш эса ундан-да мушкул”, “Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга нисбатан “яшил” энергия талабининг қўйилишига оз муддат қолди. Бугун соҳага илм билан ёндашмасак, эртага кеч бўлади”, дея такрор-такрор таъкидлагани бежиз эмаслигини ўйлаб қоламан. Бинобарин, Қўшма декларация бандларида

сайёрамиз аҳлига юрак ҳайкириги бўлиб янгради, десак, айна ҳақиқат.

Маълумки, иқтисодиёт давлат қўллаб-қувватловисиз ривожланмайди. Бугун Президентимиз қайси давлатга бормасин, шу мамлакат тадбиркорлари билан бевосита мулоқот қилмоқда. Натижада йирик компа-

да ташкил этилган, киритилган инвестицияларнинг 4,4 миллиард доллари ёки 99 фоизи ҳам шу даврга тўғри келади. Юқоридаги рақамларнинг ўзиёқ Ўзбекистон иқтисодиёти қай вақтда очикликка юз тутиб, хорижий инвесторларда Ўзбекистонга нисбатан ишонч қачон пайдо бўлганини кўрсатиб турибди.

Саммитдаги яна бир тарихий келишув Ўзбекистонда Европа кенгашининг минтақавий офиси очилиши бўлди. Энди маблағ ёнимизда, 12 миллиард евро миқдоридagi сармоя нақд. Қайсидир давлатга бориб эшигини тақиллатиб кутиб ўтириш даври ўтди. Қутишга кетадиган вақтимизни лойиҳаларни ишлаб чиқишга сарфласак манфаатлироқ бўлади.

Анжуманни кузатар эканман, вилоят раҳбари сифатида мен олган сабоқ шу бўлдики, инвестиция соҳасидаги фаолиятимизни тўлиқ танқидий қўриб чиқиб, ёндашувимизни ўзгартиришимиз шарт. Барча бугундаги ҳокимлар ва масъуллар давлатимиз раҳбаридан ибрат олиб, оддий ижрочи ёки кузатувчидан тадбиркорнинг мададкорига, жоиз бўлса, хизматчисига айланиши талаб қилинади. Зеро, янги Ўзбекистонга бугун дунё бағрини очмоқда.

Зойир МИРЗАЕВ, Тошкент вилояти ҳокими, сенатор.

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ ИМКОНИАТЛАРИ



Натижада мамлакатимиз ва Европа Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликда ижобий суръат кузатилмоқда. Европа капитали иштирокидаги мингдан ортқ корхоналар фаолият юритаётгани, инвестиция лойиҳалари ҳажми эса 30 млрд. еврога етгани европалик ҳамкорларнинг Ўзбекистонга ишончи ортганидан далолат беради. Шу йил давлатимиз раҳбарининг Брюсселга қутилиётган ташрифи чоғида Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланиши мўлжалланиптики, бу савдо-инвестиция алоқаларини янада чуқурлаштириш учун янги имкониятлар очиши, шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий боғлиқликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш учун савдо тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, Марказий Осиё маҳсулотларининг Европа бозорига кириш имкониятини яхшилаш, техник стандартлар ва сертификатларни уйғунлаштириш зарур. Айни чоғда инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, рақамли иқтисодиёт ва инновацион ҳамкорликни ривожлантириш жараёнига Европа бизнесини фаол жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада Европа тиклиши ва тараққиёт банки, Европа инвестиция банки ва бошқа халқаро молия институтлари орқали молиявий кўмак механизмларини фаоллаштириш лозим. Жорий йилнинг июнида ЕТББ билан шерикликда Тошкент халқаро инвестиция форумини ўтказиш режалаштирилган бўлиб, унда Европанинг етакчи компания ва банклари билан умумий қиймати 30 млрд. евродан ортқ жорий лойиҳаларни портфелини тақдим этиш кутилаётир. Бу эса юртимизда кичик ва ўрта бизнес ривожини учун қўлай шaroитлар яратиш, қўшимча минглаб иш ўринлари барпо қилиш, минтақа иқтисодий барқарорлиги ва аҳоли фаровонлигини оширишининг кафолати бўлади.

Қолаверса, шу кунларда Тошкентда Европа инвестиция банки офисини очиш тўғрисида имзоланган битим Европа мамлакатларида Марказий Осиёга тўғридан-тўғри инвестициялар оқимини рағбатлантиради. Европалик шериклар Ўзбекистон етакчисининг яна бир ташаббуси — “яшил” энергетика, инновациялар, транспорт, инфратузилма соҳаларида ва аграр секторда йирик минтақавий лойиҳаларни илгари суриш учун Инвестиция платформасини ишга тушириш бўйича таклифини қўллаб-қувватлади.

Бундан ташқари, мамлакатларимизнинг иқтисодий манфаатларини ақинлаштириш бўйича қатор янги таклифлар билдирилди. Бу, энг аввало, инвестиция-

ларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш тўғрисидаги кўп томонлама битимни имзолаш, хусусий сектор вакиллари кенг жалб этган ҳолда, “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” қўшма савдо палатасини ишга тушириш, кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини, биринчи галда, хотин-кизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшма минтақавий дастурларни қабул қилишга қаратилган.

Саммит давомида стратегик минерал ресурслар бўйича ҳамкорлик ва инвестицияларни чуқурлаштириш юзасидан қарор қабул қилинган ҳам эътиборга молик масалалардан бўлди. Таъкидлаш керакики, Ўзбекистон геология-разведка, стратегик ҳомашё материаллари конлари ўзлаштириш ва уларни чуқур қайта ишлаш йўналишида юқори технология ишлаб чиқариш тармоқларини яратиш борасида Европадаги етакчи компаниялар билан ҳамкорлик қилиш бўйича кат-

йўлакларининг йўқлиги бунда асосий тўсиқ ҳисобланади. Жумладан, Транскаспий транспорт коридорини кенгайтириш ва юк билан таъминлаш учун ўзаро мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни ва бизнес учун манфаатли шaroитларни ишлаб чиқиш заруратга айланиб бормоқда. Шу боис Президентимиз келишилган ёндашувларни ишлаб чиқиш учун Европа Иттифоқи шафелигида ушбу йўналишда жойлашган мамлакатларнинг транспорт вазирилари учрашувини қақришни таклиф этди.

Ўзбекистоннинг, хусусан, Марказий Осиёнинг Европа Иттифоқи билан муносабатларида “яшил” энергетика ва экологик барқарорликка йўналтирилган инвестициялар стратегик аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасидан Европага электр энергиясини етказиб бериш бўйича халқаро лойиҳани тўлиқ қўллаб-қувват-

Ўзбекистонда изчиллик билан қўлай бизнес имкониятлари яратилмоқда, бозор институтлари ривожланмоқда, инвестиция муҳити яхшиланмоқда. Хорижий инвесторлар учун “ягона дарча” тизими жорий этилган, валюта бозори либераллаштирилди. Натижада мамлакатимиз ва Европа Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликда ижобий суръат кузатилмоқда.

та ижобий тажрибага эга. Ўзбекистон бу йўналишда ЕИ билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ниятида. 2050 йилгача иқлим бўйича нейтралликка эришиш ва стратегик секторларда ўз мустақиллигини мустаҳкамлашга интилаётган ЕИ учун тоза энергия ва ноёб минералларга эга бўлиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Марказий Осиё заминида жаҳондаги марганец рудаси захирасининг 38,6 фоиз, хромнинг — 30,07, қўрғошнинг — 20, руҳнинг 12,6 фоизи мавжуд. Бу ҳомашё ресурслари келажақ глобал иқтисодиёти учун ҳаётий манбадир. Аммо айни пайтда улар глобал ўйинчиларни ҳам жалб қилади, уларнинг баъзилари фақатгина фойдаланиш ва қазиб олишдан манфаатдор.

“Марказий Осиё — қадимий тарихга ва катта амбицияларга эга бўлган ғурури ва мустақил давлатлар минтақаси... Биз сизнинг маҳаллий саноатни ривожлантиришдаги шерикларингиз бўлишини ҳам хоҳлаймиз. Қўшимча қиймат маҳаллий бўлиши керак. Бизнинг ишлаш тарзибимиз бунинг ғувоҳидир”, деди Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен. Демак, Европа ҳомашёни олиб кетиш эмас, балки тўлиқ қиймат занжирини яратиш, яъни қазиб олишдан қайта ишлаш ва қайта тиклашгача бўлган жараёнини шакллантиришни мақсад қилади. Бу эса маҳаллий иш ўринлари яратиш, юқори экологик ва ижтимоий стандартни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Аммо ушбу маҳсулотларни, шунингдек, тайёр саноат ва қишлоқ ҳўжалиги товарларини Европа бозорларига етказиб бериш учун самарали транспорт

лайди. Саммит арафасида ушбу лойиҳани амалга ошириш бўйича битим ратификация қилинди.

Дарҳақиқат, Марказий Осиё мамлакатлари иштирокида амалга оширилаётган Каспий ва Қора денгиз орқали Европалга “яшил стратегик йўлак” барпо этиш лойиҳасида ҳамкорлик учун улкан салоҳият мавжуд. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши ўзаро манфаатли энергетик боғлиқликнинг мустаҳкам асосини яратади. Айни пайтда Ўзбекистон ва минтақадаги ер бошқа давлатлар қайта тикланувчи энергетика салоҳиятини фаол кенгайтирмоқда. Масалан, фаолият юритаётган 14 та қуёш ва шамол электр станциясига қўшимча равишда Ўзбекистон умумий қуввати 24 минг мегаватт бўлган 50 дан ортқ шундай лойиҳаларни амалга оширишни мақсад қилган. Яқин беш йилда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 54 фоизга етказиш режалаштирилган. Бунда Европа инвестициялари ва технологияларининг ўрни катта. Мазкур мақсадларга эришиш “иссиқхона газлари” чиқишини қарийб 16 млн. тоннага қисқартиради ва Ўзбекистоннинг Париж битими доирасида “иссиқхона газлари” чиқиндисини 35 фоизга камайтириш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятини муддатидан олдин бажаришига имкон туғилади.

Яна бир муҳим йўналиш — энергетика тизимлари модернизациясида Европа Иттифоқи иштирокини кенгайтириш бўлиб, бу аънавий ўлгердор чиқиндилари кўрсаткичини камайтиришга хизмат қилади. ЕИ айни жараёнида “Global Gateway” инвестиция стратегияси орқали қўллаб-қувватлайди. Янги инвестиция пакети доирасида “Team

Europe” ташаббуси бўйича сув, энергия ва иқлим ўзгаришига оид йирик қўшимча маблағлар ажратилиши ҳамда “яшил” лойиҳаларга янада кўпроқ сармоя йўналтирилиши эълон қилинганга тўғрайдиган Марказий Осиё тоза энергия марказига айланиши мумкин. Бу нафақат импортга боғлиқликни камайтиради, балки улкан қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш имконини беради.

ЕИ билан ҳамкорликда маданий-гуманитар соҳалардаги лойиҳалар минтақамизни яқинлаштириш йўлидаги энг истиқболлиси ҳисобланади. Хусусан, инсон капиталига инвестициялар таълим ва маданий-гуманитар соҳалардаги алмашинувларни кенгайтириш имконини беради. Юқори маалаки мутахассисларни тайёрлаш бўйича “Erasmus+” дастурлари доирасида минтақа мамлакатлари учун махсус квоталарни жорий этиш ушбу мақсадга эришишга хизмат қилиши мумкин. Кези келганда айтиш жоизки, охириги ўн йилда мазкур дастур доирасида 10 минг талаба ва мутахассис қатнашди. Энди “яшил” ва рақамли ўзгаришлар ҳамкорлик марказида турибди. Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбари Марказий Осиё мамлакатлари билан илмий-таълим ҳамкорлигини кенгайтириш учун Ўзбекистон “Уфқ — Европа” дастури офисини очишга тайёрглигини маълум қилди. Бундан ташқари, сунъий интеллект, маълумотлар “катта базалари”, рақамлаштириш, космик тадқиқотлар соҳасида илмий ва технологик алмашинувлар бўйича қўшма дастурни ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Ўзбекистон, шунингдек, минтақа мамлакатларини рақамли таълим соҳасида Европа ҳаракатлар дастурига қўшиш, етакчи университетлар ўртасида шериклик борасида “Йўл харитаси”ни амалга ошириш бўйича ташаббусларни илгари сурди. Маданий алоқалар хусусида сўз борганда, европалик мутахассислар иштирокида “Лазги” миллий балетининг саҳналаштирилиши маданият соҳасидаги кооперациянинг яққол мисоли бўлди. Европадаги Лувр, Берлин Янги музейи, Вена Бутунжаҳон музейида Марказий Осиёнинг тарихий меросига бағишланган кўргазмалар муваффақиятли ўтказилди. Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг кузида Самарқандда ўтадиган, яъни сўнгги қирк йилда Париждан ташқарида илк бор уюштирилаётган ЮНЕСКО Бош конференцияси чоғида минтақамиз халқларининг бой маданияти ва санъати билан янада кенг таништириш имконияти туғилади. Жорий йилда Бухорода ўтказиладиган илк “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” сайёҳлик форуми хусусида ҳам шундай дейиш мумкин.

Хуллас, “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити кўҳна қитъа билан муносабатларни мустаҳкамлашнинг янги имкониятларини очиб берди. Биз учун асосий ҳулоса шундан иборатки, Марказий Осиё энди бир бутун минтақа сифатида қабул қилинмоқда ва бу саммит Европа Иттифоқи учун ҳам муҳим тадбир. У Брюсселнинг “Global Gateway” стратегиясига янада кенг йўл очиш имкониятини бериши кутиляпти.

Садриддин ТУРБОЖОНОВ, Ислам Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ректори, техника фанлари доктори, академик.

15 апрель — Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари кун

МЕХР-ЭЪТИБОР ВА ИШОНЧ ИФОДАСИ

Мана, тўрт йилдирки, мамлакатимизда 15 апрель санаси — Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари кун сифатида кенг нишонланиб, соҳа вакилларига юксак ишонч ва руҳ бағишлаб келмоқда.

Қайд этиш жоизки, халқимиз маданияти ва санъатини ривожлантириш, ҳар томонлама бойитиш, унинг маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларига имконият ва енгилликлар яратиш янги Ўзбекистон танлаган йўлнинг муҳим йўналишларидан биридир. Зеро, маданият ва санъати юксак халқнинг ўтмишига монанд равишда бугунги ва келажаги ҳам гўзал бўлади.

Қуйида биз фикр-мулоҳазаларини ёзиб олган юртдошларимиз фикрлари ҳам айнан шу ҳақда.

Ғавҳар МАТЁКУБОВА,
Ўзбекистон халқ артисти, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳибаси, профессор, тарихшунос олима, балетмейстер:



— Маданият, санъат ва ижод... Бу сўзлар замирида инсон қалбини жўшқинлантирувчи, руҳини ўстирувчи, ҳаётига ўзгача маъно-мазмун бахш этувчи қандайдир сирли ва мўъжизавий куч бор. Албатта, ҳар қандай куч инсонларни фақат ва фақат эзгуликка бошласагина, у нурафшон келажақ учун хизмат қилади.

Шу маънода, маданият ва санъат аҳлининг, ижодкор зиялиларимизнинг қалби эзгуликка тўла эканига ва уни фақат хайрли ишлар учун амалга оширишга ҳозирлигига шубҳа йўқ. Зеро, бугун Президентимиз раҳнамолигида юртимизда маданиятимиз, миллий кадрият ва маънавиятимиз, бебаҳо санъатимизни асраб-авайлаш, янада ривожлантириш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, юртимиз бўйлаб ҳар йили Маданият ва санъат ходимлари кун кенг нишонланиши биз каби санъат фидойилари, касбдошларимиз, хусусан, ушбу соҳага меҳри бандид ёшларга руҳ бағишламоқда.

Алишер АЛИКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор, академик, расом:



— 2021 йил 7 июнь кун “Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга қўнган ушбу тарихий воқеалик мамлакатимизда инсон қадрига юксак эътибор қаратилаётганининг яна бир амалий ифодаси бўлди. Касб байрамимизнинг кенг нишонланиши биз учун қатор имкониятлар эшигини очди, юрагимизга ишонч, руҳимизга руҳ қўшди, замонавий тилда айтганда, мотивация бағишлади.

Ижодкор нимадан руҳланади? Унга берилган заррача эътибор, озгина меҳр ва сийловдан, албатта. Очиғини айтсам, давлатимиз раҳбарининг соҳага раҳмўрлиги, маданият ва санъат ходимлари ҳақида ҳар гал қўниб, айрича эҳтиром билан гапириш замирида буларнинг бари ҳам бўлган.

Неча йилдирки, санъатнинг ранг тасвир йўналишида ижод қилиб, деворларга тарихий суратлар ишлаб келаман. Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай санъат уни қўллаб-қувватловчилар,

хомийларга муҳтож. Кимнингдир сизга берган озгина дастаги улкан ишларга йўл очиши мумкин. Расомлар ҳам бугунги кундаги эътибор ҳам шукўҳга тўлиб, халқимизнинг миллийлигини, унинг нақадар бой ва гўзаллигини жаҳон аҳлига кўрсата олишига ишончим комил.

Мутафаккирлардан бири “Санъат — чинакам санъат бўлса ва энг аввало, ким учун яратилган бўлса, ушларога хизмат қилиши лозим”, деган экан. Шу маънода, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, янгиланишлар заминида халқимиз, айниқса, ёш авлоди кадриятларимизга яқинлаштириш ва тарбиялаш мақсади муҳассас. Бу йўлда биз ҳам бор салоҳиятимизни намояён этиб, миллийликни ўзигини дунёга тараqqулан қилиш, санъат орқали қалбларга кириб боришда камарбаста бўламиз.

Ҳамид МИРСАГАТОВ,
Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, миниатюра санъати устаси:



— Очиғи, маданият ва санъат ходимларини давримизнинг қаҳрамонлари дегим келади. Нимага дейсизми? Дунёда, баъзи мамлакатларда рўй бераётган талатуплар, урушларга эътибор беринг. Менимча, ёвузлик, аввало, санъатни севмайдиган одамлар қалбидан илдиз отади, ўсиб, ён-атрофига ҳам таъсир ўтказади.

Энди эса ҳар лаҳзаси санъат ва гўзалликлар билан тўлиб бораётган жонажон юртимизга бир назар солинг. Буларнинг барчаси маданият ва санъатга эътибор улканлиги, меҳр қайноқлиги ва биз каби соҳа вакилларига ишонч юксаклигидан, албатта.

Болалигимда уйғонган қизиқчи бугун мени халқимиз таниган моҳир уста, қўллаб шоғирдлар устозига айлантирди.

Адашмасам, 8 ёки 9-синфда ўқирдим, ўшанда расомчилик тўғрарига қатнашар, ўзимдаги яширин қобилиятни кашф этгандим. Мана, бугун ўша пайтда ташланган қадамлар каминанга улкан ютуқлар олиб

қелди. Ижод менинг ҳаётим, олган нафасим, десам, адашмайман. Қарийб 30 йил бўлдики, ундан бир лаҳза бўлсин, айро турганим йўқ. Сўнгги йилларда биз каби усталар фаолияти янада жонланди. Ўширмайман, бир пайтлар бизга тақийлар, чекланишлар кўп эди. Натижада ишимиз юришмас, қўлимиз ишга бормасди. Бугун эса меҳнатимиз маҳсулини кўргазмага қўйишимиз, сотишимиз, элигимизга тақдим этишимиз мумкин.

Мана шундай эркинлик, қўлай муҳит ва шарт-шaroитлардан унўли фойдаланиш энди бизнинг бурчимиз. Касб байрамимиз қувонч улашиш билан бирга, ҳар биримизга ана шу масъулиятни ҳам эслатиб туради.

Раҳматқош БОБОЖОНОВ
«Халқ сўзи» ёзиб олди.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ТАҒСИЛОТЛАР

Замондош

Гўёки, барчаси такрор, аллақачон айтиб бўлингандай... Одамзодга забон битибдики, яхши сўзларининг бари оналар пойида. Ишонмасангиз, уч минг ёшли "Авесто"ни кўлга олинг. Муқаддас маъбуданинг фазилатларида она ва оналикнинг барча фазилату хислатлари жамланган. Вафо рамзи, назокат, латофат, нафосат тимсоли, меҳру муҳаббат кўргони, сабру қаноат соҳиби, Яратганнинг буюк мўъжизаси...



Аёл ҳақида ёзишга тўғри келса, улуғловчи бирор янги гап айтиш ниятида ҳар доим тунлар тонгга уланади.

Шундай яшар одатда аёл...

Кизилтепа туманидаги "Валиобод" фермер ҳўжалигининг раҳбари Раъно Валиева қарийб қирқ беш йилдики, ер билан тиллашади. Аёллик бахтио меҳнатдан топган содаватининг сирин билан қизиқиб қаҳрамонимиз суҳбатини олди. Опа муддаоимизни эшитиб "Маҳалламиздаги олтинчи синф ўқувчисининг тўсатдан мазаси қочиб қолди. Туман касалхонасига олиб кетяпман, эрта-индин уч-рашаск ёки тўғри шифохонага келсангиз..." деди.

Раъно опа билан икки кун ўтиб учрашдик. Табиийки, дастлаб йигитчининг ахволини сўрадик.

— Тузук, ўзига келди, — деди фермер боланинг онаси томонга

ишора қилиб. — Ҳўжалигимизнинг меҳнаткаш аззоси, ҳоддагина аёл, докторлар сарсон қилмасин, деб чидаб турулмадим. Ўғлим кўз ўнгимизда улгайиб келяпти.

Эл назарида юришининг масъулияти юксак. Аслида, умр деб атаганимизни беэашига қодир кунлар, хислатлар ва ниҳоят оддийгина айтганда, ҳаёт тарзи кишини бундай эҳтиром поғонасига кўтариши мумкин. Бинобарин, бунда касб ёки лавозимнинг аҳамияти йўқ.

— 1976 йили туманимиздаги 27-мактабни тугатдим, — дейди Раъно Валиева. — Ўша пайтлар мактабларда механизаторлик курслари бўларди. Менга ҳам шу курсни тугаллаган мутахассис си-

фатида шаҳодат қоғози беришди. Ва 1982 йилгача механизаторлик қилдим. 1987 йили Тошкент қишлоқ ҳўжалиги институтини таъмомлаб, агроном мутахассислиги билан яна Ўртачўлга қайтдим.

Чўлни ўзлаштиришда ўша йиллар дабдабабозлик авжига чиққан. Биров кўчиб келади, кимдир кўчиб кетади, ерга заррача меҳр йўқ. Ҳосилдорликка эмас, чўлда фалон сўм ўзлаштирилди, деган кўрсаткичларга эътибор қаратиладиган замон эди. Қисқача айтганда, маблаг, сўзсиз-сўроқсиз техника ажратиларди, натижанинг эса тайини йўқ — пахтадан 10, галладан 18—20 центнер ҳосил олинди, бутун туманни ортга тортарди

ўтган "Москвич" олса бўларди, ҳолос.

— Ўзбекистонимиз тупроғи шундай саховатлики, заминга меҳр берсак, кучимизни аямасак, албатта, у самарасини кўрсатади, нэзматларини тўкиб сочади, — дейди Р. Валиева. — Пешонанг тери бу ерга ўғит бўлиши керак.

Ўртачўл дастлабки йилларда пахтаю галланинг нозини кўтармади, кейинчалик ҳақиқий эгасига тушгач деҳқончиликдаги ўқув, билакдаги куннинг зарби билан пахта туғул тропик меваларга ҳам кўнгил берди. Шўр ювилди, зовурлар қазилиб, зах қочирилди. Натижада ҳосилдорлик пахтадан 50, галладан 65—70 центнерга қадар етказилди.

«Долзарб бир ойлик»:

АҲОЛИ МУАММОЛАРИ ЎЗ ЕЧИМИНИ ТОПМОҚДА

Юртимизда "Долзарб бир ойлик" сафарбарлиги доирасида аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилаш, ҳаёт фаровонлигини ошириш, бандлики таъминлаш масалаларига алоҳида эътибори қаратилаётди.

Обод маҳаллам

Айни шу мақсадда Президент Администрацияси, Халқ қабулхоналари, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда масъул вакиллардан ташкил топган Республика ишчи гуруҳи ўз фаолиятини Тошкент шаҳрида давом эттирди.

Дастлаб ишчи гуруҳ Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда пойтахтнинг ҳар бир туманига масъуллар бириктирган ҳолда бунёдкорлик, ободо-

нашлантириш, кўкаламзорлаштириш ишларини ва муаммоларни ҳайларга чиққан ҳолда маҳаллабай ўрганиб, уларни бартараф этиш бўйича салмокчи ишларни амалга оширди.

Хусусан, фуқаролар билан ўтказилган очик мулоқотларда аниқланган муаммолар ечимини бўйича қўрил-

ган чораларнинг натижадорлигини ошириш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадида пойтахт туманларидан йўналиш берилди.

Бундан ташқари, электр энергия таъминотини яхшилаш учун юзга яқин эски симёғочлар бетон устунларига алмаштирилди, кабель тармоқлари тортилди.

Янги трансформаторлар ўрнатилиб, 200 дан зиёди жорий ва мукамал таъмирланди. Ичимлик суви таъминоти ва канализация тармоқлари яхшиланди. Шу билан бирга, шаҳар ижтимоий инфратузилма объектларини замонавий талаб даражасига олиб чиқиш учун 20 дан зиёд болалар боғчалари, мактаб, шифохона ҳамда поликлиникалар таъмирланиб фойдаланишга топширилди.

Аҳоли истиқомат қилаётган 90 яқин кўп қаватли уйлардаги камчиликлар бартараф этилди. Жумладан, 4 та уйнинг фасад қисми, 25 та уйнинг ерўлалари ҳамда 36 та уйнинг томлари таъмирланди, янги лифт ускуналари ўрнатилди.

Ишчи гуруҳ вакиллари

бетон новлар ва 30 километрдан зиёд йўл тўсиқлари таъмирдан чиқарилди.

Бундан ташқари, электр энергия таъминотини яхшилаш учун юзга яқин эски симёғочлар бетон устунларига алмаштирилди, кабель тармоқлари тортилди.

Янги трансформаторлар ўрнатилиб, 200 дан зиёди жорий ва мукамал таъмирланди. Ичимлик суви таъминоти ва канализация тармоқлари яхшиланди. Шу билан бирга, шаҳар ижтимоий инфратузилма объектларини замонавий талаб даражасига олиб чиқиш учун 20 дан зиёд болалар боғчалари, мактаб, шифохона ҳамда поликлиникалар таъмирланиб фойдаланишга топширилди.

Аҳоли истиқомат қилаётган 90 яқин кўп қаватли уйлардаги камчиликлар бартараф этилди. Жумладан, 4 та уйнинг фасад қисми, 25 та уйнинг ерўлалари ҳамда 36 та уйнинг томлари таъмирланди, янги лифт ускуналари ўрнатилди.

Ишчи гуруҳ вакиллари

бошчилигида "Долзарб бир ойлик" сафарбарлиги доирасида пойтахтнинг барча маҳалласида 2 мингдан зиёд турли байрам тадбирлари, жумладан, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан оғир маҳалаларда арзонлаштирилган қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда меҳнат ярмаркалари ташкил этилди.

Ободолаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари тизимли ва манзилли уюштирилиши натижасида ижтимоий соҳа объектлари тарғиб қўқамлаштирилди, 3 мингга яқин қўчалар қичқидан тозаланди, 120 дан ортиқ қабристон (зиёратгоҳлар) обод қилинди.

Маълумки, шу кўнларда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида пойтахт ҳудудларида кўчат экиш ишлари ташкил этилганди. Ўшбу жиҳли амаллар доирасида ҳам 600 мингдан зиёд турли мевали ва манзарали кўчатлар экилди.

Республика ишчи гуруҳи фаолиятини давом эттирмақда.

«Халқ сўзи».



Ибрат

Қўлда кашта тикиш анъанаси ўзбек хонадонларида азалдан бўлган. Ҳар бир оила бекаси зарурият эмас, маънавий завқ олиш учун кашта тиккан, десак, хато бўлмайдми.

КАСБИДАН ЭЪЗОЗ ТОПГАН КАШТАДЎЗЛАР

Самарқандлик Шоира Ганиева моҳир каштадўзлар сулоласининг ишини давом эттириб келётган хунармандлардан. У болалигидан каштадўзликка қизиқади. Ипак матоларга табиий бўёқлар ёрдамида гул босиб билан шуғулланади. Унинг ижодий ишлари ЮНЕСКО томонидан "Бутунжаҳон сифат белгиси" сертификати билан тақдирланган. "Шўҳрат" медални соҳибаси ҳамдир.

— Кашта тикишни бувим ва онамдан ўрганганман. Кейинчалик бу хунар семимли касбимга

ро бозорларга чиқариш учун имконият яратди. Ҳозир юзлаб шонгирдларим бор. Уларга халқаро миксда тан олинган хунармандчилик ишларини ўргатиб келмоқдаман.

Нуробод туманининг Иттифок маҳалласида истиқомат қилувчи Соҳида Йўлдошева ҳам уста хунармандларнинг ишидан илҳомланди. Унинг тикувчилиги оддий кўйлақ ё кўрпа-тушак тикишдан фарқ қилади. Маҳсулотлари, агар талоб юқори — мамлакатимиз, қўшни республикалар, Россия ва



айланди, — дейди Ш. Ганиева. — Танловларда юқори натижаларни кўлга киритиб, семинарлар доирасида маҳорат дарслари ўйлаб қўйганим, — дейди Соҳида Йўлдошева. — Тикувчиликка қўшимча қуроқ ёстиқлар тикишни бошладим. Кейин бешик ёпинчиклари, чимилдик, дастурхон, умуман, хонадонларга керакли бўлган маҳсулотларни тикишни йўлга қўйдик. Иқтимоий тармоқларда "Соҳида қуроқлари" номи билан канал очдим, қолаверса, қуроқ буюмларни тикишни онлайн ўргатишни ҳам йўлга қўйдим. Турли вилоятлардан қуроқ кўрпача ва бошқа буюмларга буюртмалар тушди. Буюртмаларни почта орқали тарқатамиз. Ҳозир фойдали-тимизни кенгайтириш учун қўшимча кўп танлапмиз, чунки буюртма кўп, тикувчилар кам.

Ниятимиз — қадимий тикиш услубларини, нобъ нақшларини асраб-авайловчи қўлгўл хунарманд аёлларимиз сафи янада кенгайсин!

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).



Сурхондарё вилояти ўзининг бой тарихи ва гўзал табиати билан машҳур. Хусусан, Сарисийё туманидаги Сангардак қишлоғи бетакрор манзаралари ва муқаддас қадамжолари билан сайёҳларни ўзига жалб қилмоқда.

Бир ўлкаки...

Дарҳақиқат, тоғлар бағрида жойлашган бу қишлоқ Сангардак дараси ва шаршараси, ранг-баранг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, бўлоқ ва чашмалари билан машҳур. Денгиз сатҳидан 2000 метр баландликдан тушадиган шаршара табиятнинг бетакрор мўъжизаси. Камалак мисоли товланиб оқаётган сув баҳридиллигини очиб, ҳушқайфият бағишлайди.

Сангардак дарёси тепасидаги тоғ устида Ўхжаи илғор зиёратгоҳи жойлашган. Унинг номи "Ўхжаи пеш", "Ўхжаи баланд", "Ўхжаи устун", деб ҳам аталади. Қабр тоғнинг тепасида бўлиб, устига бир хонали чоргоққина хонақоҳ қурилган. 2019 йилда зиёратгоҳ "Вақф" хайрия фонди Сурхондарё бўлими тасарруфига ўтказилиб, хонақоҳ олдида 1 080 та зина барпо этилган. Бу маскан ёз фаслида зиёратчилар билан гавжум бўлади. Қия тоғ бағридан сиғиб чиқадиган тўрта бўлоқ суви шифобахш хусусиятга эга.

— Кейинги йилларда Сангардак қишлоғи янада кўркам ва обод масканга айланди, — дейди "Сангардак" МФЙ раиси Ўрозбой Мирзаев. — Тоғ қўйида кенг йўллар барпо этилиб, сайёҳлар учун зарур шaroит яратилди. Масжид, ошона ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилди. Битта меҳмонхона, йигирмадан ортиқ меҳмон уйлари ташкил этилди. Тоғ бағрида етти қаватли мухташам "Сангардак" санаторий вақад ростлади. "Сангардак чеварлари" тикувчилик корхонаси ишга туширилиб, кўйлаб хотин-қизлар бандлиги таъминланди. Шу кўнларда қишлоғимиз янги Қашқа-дарёни боғлайдиган янги автомобиль йўли ишга туширилиш арафасида. Бу йўл пойтахтдан сайёҳларнинг Сангардакга келишини 4-5 соатга қисқартиради.

Сангардак туризм қишлоғи мақомига эга. Бу маҳаллий аҳолининг туризмдан даромад топишига қўлай муҳитни яратмоқда. Президентимизнинг 2024 йил 16 декабрдаги "Сурхондарё вилоятининг тоғли-рекреатсион ҳудудларига туризм инфратузилмасини яхшилаш ҳамда замонавий хизмат

кўрсатиши ва туризм объектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори воҳанинг туристик имкониятларини янада кенгайтирди. Қарорга мувофиқ, Сарисийё туманидаги Сангардак, Бойсун туманидаги Омонхона туризм қишлоқлари ҳамда Жаркўрғон туманидаги "Оқтепа" сув омборининг қирғоқ бўйида "Оби-хаёт" туристик марказлари бунёд этили ишлари бошлаб юборилди.

— Мазкур қарор ижроси доирасида 2025 — 2027 йилларда ушбу ҳудудларда меҳмонхоналар, оилавий меҳмон уйлари, хизмат кўрсатиш мажмуалари, дам олиш масканларини қуриш учун бўш ер нақоҳ қурилган. 2019 йилда зиёратгоҳ "Вақф" хайрия фонди Сурхондарё бўлими тасарруфига ўтказилиб, хонақоҳ олдида 1 080 та зина барпо этилган. Бу маскан ёз фаслида зиёратчилар билан гавжум бўлади. Қия тоғ бағридан сиғиб чиқадиган тўрта бўлоқ суви шифобахш хусусиятга эга.

— Кейинги йилларда Сангардак қишлоғи янада кўркам ва обод масканга айланди, — дейди "Сангардак" МФЙ раиси Ўрозбой Мирзаев. — Тоғ қўйида кенг йўллар барпо этилиб, сайёҳлар учун зарур шaroит яратилди. Масжид, ошона ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилди. Битта меҳмонхона, йигирмадан ортиқ меҳмон уйлари ташкил этилди. Тоғ бағрида етти қаватли мухташам "Сангардак" санаторий вақад ростлади. "Сангардак чеварлари" тикувчилик корхонаси ишга туширилиб, кўйлаб хотин-қизлар бандлиги таъминланди. Шу кўнларда қишлоғимиз янги Қашқа-дарёни боғлайдиган янги автомобиль йўли ишга туширилиш арафасида. Бу йўл пойтахтдан сайёҳларнинг Сангардакга келишини 4-5 соатга қисқартиради.

Сангардак туризм қишлоғи мақомига эга. Бу маҳаллий аҳолининг туризмдан даромад топишига қўлай муҳитни яратмоқда. Президентимизнинг 2024 йил 16 декабрдаги "Сурхондарё вилоятининг тоғли-рекреатсион ҳудудларига туризм инфратузилмасини яхшилаш ҳамда замонавий хизмат

Фарҳод ЭСОНОВ («Халқ сўзи»).

ҲАЁТДА БОР, ҲУЖЖАТДА ЙЎҚ...

Ҳар йили сентябрь ойининг бошларида миллионлаб болалар мактабга боради. Аммо мактабга қабул қилинмайдиганлар ҳақида нима дейиш мумкин? Улар аслида мавжуд, аммо туғилиш далилини тасдиқловчи ҳужжатлари йўқ. Бу ота-оналарнинг масъулиятсизлигиди ёки амалдорларнинг бефарқлиги?

Ҳуқуқ ва бурч

— Боланинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома — бу давлат билан ҳуқуқий муносабатларга киришга имкон берадиган «қалит». Шу ҳужжат орқали бола тенг ҳуқуқли фуқаро мақомига олади, — дейди Андижон шаҳар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бюроси раҳбари Ғофиржон Саломов. — Бу «қалит» бўлмаса, болалар «қўринмас одам»ларга айланади. Уларнинг мавжудлигини ҳеч ким билмайди. 2024 йилда Андижон шаҳрида ҳудди шундай яшовчи 168 нафар қишга туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома топширди. Афсуски, улар туғилганида рўйхатга олиш чоралари қўрилмаган. Бу уларнинг шу пайтгача расман мавжуд эмаслигини англатади.

Савол туғилди: нега ушбу юрдошларимизнинг туғилганида ўз вақтида қайд этилмаган? Юртимизда ушбу ҳужжатларсиз яна қанча киши яшайди? Ҳоқимият нуктаи назари ва қонунга кўра улар шунчаки мавжуд эмас. Тушуянсизми, шахсини тасдиқловчи ҳужжатсиз болалар боғча ёки мактабга бораолмайди. Қолаверса, қийин ёрдам ва бошқа муҳим хизматлардан маҳрум. Кейинчалик ишга жойлашиб, ижтимоий нафақа ололмайди. Уларнинг эксплуатация ва зўравонлик қўрбонига айланиш хавфи юқорилигини назарда тутсак, муаммо кўлами янада кичгалашади.

Болани яширишга сабаб нима?

Фарзанд туғилганлиги ҳақида гувоҳнома олиш учун ҳужжатлар йиғиш кўп вақт талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2013 йил 31 декабрдаги буйруғи билан тасдиқланган "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш қилиш тартиби тўғрисида"ги Ўйрқуноманинг 59-бандига кўра ўн олти ёшгача бўлган болага ҳужжат олиш учун ФХДЭ органига туғилишни қайд этиш мuddатини ўтказиб юборганлик сабаблари кўрсатилган бир қанча ҳужжатлар тақдим этилиши керак. Булар — ариза, боланинг туғилганлиги ҳақида табиий маълумотнома ёки туғилуқхонадан ташқари жойда ва табиий ёрдамсиз туғилганлигини тасдиқловчи далолатнома, соғлиги ва таълим олаётгани тўғрисида, тегишли ФХДЭ архивидан ўлаб болага нисбатан туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилмагани тўғрисида маълумотномалар.

Таърибадан кўринадигани, қақалоннинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг йўқлиги, яъни ота-оналар масъулиятсизлиги келажада болалар ҳаётини жиддий равишда мураккаблаштиради. Кам таъминланган ёки узок тоғли ва қишлоқ жойлардаги оилалар фарзандлари қўйична рўйхатдан ўтмаган бўлиб чиқади. Албатта, қонун уй шароитида туғилиш тақиқламайди. Табиий ташкилотдан ташқарида туғилганидан қатъи назар —

қай ҳолатда бўлмасин, гўдақнинг туғилганлигини тегишли идораларга қайд этириш мумкин. Ваҳоланки, биз бунга ақли етмайдиган даражадаги ҳуқуқий билимимиз паст, онгсиз мавжудот эмасмиз. Аммо бунга ота-оналарнинг бефарқлиги, эътиборсизлиги ёки масъулиятсизлиги сабаб бўлган тақдирда ҳам маҳаллага бириктирилган ҳамширалар бундай ҳолатга бефарқ бўлмаслиги керак эмасми? Тақдир тақдоси билан гўдак уйда, меҳмонхонада ёки сафарда туғилди ҳам дейлик, бу ҳақда тегишли идораларга хабар бериш биринчи галда уларнинг вазифаси эмасми? Кўз ўнгига воғя етатган ўғил ёки қизга ҳуқуқий имкониятлари чекланганлигини эслатиш билан қиёфаланган маҳалла фаоллари муаммонинг ижобий ечимини таъминлашни ўз ваколатлари доирасидаги вазифа, деб қабул қилиши керакмасми?

Очили, фуқаро сибатида қайд этилмаслиқ давлатга ҳам бир қанча муаммолар туғдиради. Шундай экан, ота-оналар фарзанди давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва ҳимоя қилиниши учун у қонуний ҳуқуқидан мосуво этилмаслиги керак.

«Бу ҳаётда борлигимни исботлолмай яшадим...»

— Туғилганимда, расман ҳеч жойда рўйхатга олинмаганман, — дейди Андижон шаҳрида истиқомат қилувчи Тўлғанбой Облоқулов. — Ота-онам уйдан узокка кетишига рухсат беришмасди. Чўнки туғилганимни тасдиқловчи гувоҳнома йўқ эди. Дастлаб боғчага бораолмадим, кейинчалик ҳужжатларим бўлмагани учун мактабгаям чиқмадим. Йиллар давомида гувоҳномасиз банкда ҳисоб очиб, паспорт олиш, овоз бериш ёки хатто ишга жойлашишда ҳам муаммоларга дуч келавардим. Уйлиноб, фарзандли бўлганимдан кейин бу му-

аммо оилам учун ҳам ташвиш туғдирди. Кам таъминланганлар тоифасига мансуб бўлганим билан маҳалладан ёрдам сўролмадим. Нолож, фуқаролик ҳолатимни тиклаш бўйича тегишли идораларга муурожаат қилдим. Энди менда ўз шахсий гувоҳнома бор — Ўзбекистон фуқаросиман. Ҳамма қатори тенг ҳуқуқлиман, барча фуқаро учун яратилган шароит ва имкониятлардан тўлиқ фойдалана оламан...

Бир мuddат дунёга келганини исботлай олмай яшаган Тўлғанбойга ўхшаган юрдошларимизнинг ҳуқуқлари тиклангани қувонарли, албатта. Аммо бундай ҳолатларга йўл қўйилмаслиги, уларни зўдилик билан ҳал қилиш мумкин эди-ку. Бунда агар туғилиш табиий ташкилотдан қийинда бўлганида ҳам туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномагини беришдан бош тортмаслик ёки уни рўйхатдан ўтказиш тартибининг тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш мумкин. Чўнки туғилган бола шахсини тасдиқловчи ҳужжатга муҳтож бўлади. Фақат туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномагина фуқаронинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқлайди.

Боланинг ҳуқуқлари узаро боғлиқ ва бўлинмасдир. Бу ерда, албатта, уларни бузган шахслар жавобгар бўлади. Шунингдек, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда масъул давлат органлари — соғлиқни сақлаш, мактабга таълим, халқ таълими, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари, болалар манфаатларини қўллаб-қувватловчи нодавлат ташкилотлар ҳам жонбозлик кўрсатса мақсадга мувофиқ бўлади.

Адиба УМИРОВА, Салимжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан «Ўқувчи — югур» лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 13 529 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларини юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қопчибаат 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

Тахририятга келган кўлашмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термал ҳамда оператор М. Бекмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфия жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Мамиров.
Мушаххис — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 20.49 Топширилди — 00.05 1 2 3 4 5 6